

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Хўжаобод Тиббиёт коллежи” директори



**О. Темирхўжаева
2022 йил**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХЎЖАОБОД ТУМАНИ “СОЛПИ” МФЙ
“А.ТЕМУР” КЎЧАСИ 4-УЙ МАНЗИЛИДА ЖОЙЛАШГАН ХЎЖАОБОД
ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ХУДУДИДА “МАЖЛИСЛАР ЗАЛИ БИНОСИ”НИ
ҚУРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ОЛДИ (АПЗ) ВА ЛОЙИХА СМЕТА
ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН
*ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИ
ХУЖЖАТЛАРИ***

Андижон-2022 йил

БАРЧА ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

**Хўжаобод Тиббиёт Коллеки
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Бажариладиган ишлар номи: Андижон вилояти Хўжаобод тумани “Солпи” МФЙ “А.Темур” кўчаси 4-й манзилида жойлашган Хўжаобод Тиббиёт коллеки худудида “Мажлислар зали биноси”ни қуриш бўйича лойиха олди (АПЗ) ва лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқши.

Бажариладиган ишларнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 32 000 000 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 15 кун.

Буюртмачи: Хўжаобод Тиббиёт коллеки.

Жойлашган манзили- Хўжаобод тумани “Солпи” МФЙ “А.Темур” кўчаси 4-й, телефон- + 99855-201-13-32

Молиялаштириш манбаси: Буюртмачининг ўз маблағлари хисобидан.

Энг яхши таклифларни танлаш танлови иштирокчилари қуидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, лицензияга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва етарли тажрибага эга бўлишлари шарт.

- ◆ Тасдиқланган энг яхши таклифларни танлаш танлови хужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот портали www.etender.uzex.uz дан юклаб олиш мумкин:
- ◆ Иштирокчи энг яхши таклифларни танлаш танлови хужжатларини маҳсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, кабул қилишни охирги муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- ◆ www.etender.uzex.uz маҳсус порталига электрон тарзда юклangan таклиф (оферталар) харид комиссияси томонидан кўриб чиқлади.

Хўжаобод Тиббиёт Коллеки директори:



О.Темирхўжаева

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Хўжаобод Тиббиёт коллежи энг яхши таклифларни танлаш танловида иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этади ва энг яхши таклифларни танлаш танлови таклифини электрон тақдим этилишини сўрайди.

Бажариладиган ишлар номи: **Андижон вилояти Хўжаобод тумани “Солпи” МФЙ “А.Темур” кўчаси 4-ий манзилида жойлашган Хўжаобод Тиббиёт коллежи худудида “Мажлислар зали биноси”ни қуриш бўйича лойиха олди (АПЗ) ва лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиши.**

Ишларни бажаришнинг бошлангич нархи (ҚҚС билан) – **32 000 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **15 кун.**

Буюртмачи: **Хўжаобод Тиббиёт Коллежи**

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: **Буюртмачининг ўз маблағлари хисобидан.** энг яхши таклифларни танлаш танловида таклиф этилган шартлар бўйича мулчилик шаклидан қатъий назар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифларни танлаш танловида иштирок этиши учун иштирокчиларга қўйидаги талаблар кўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

Тегишли лицензияларга эга бўлиши;

доимий ходимлари, жумладан техник-муҳандис ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, жумладан, энг яхши таклифларни танлаш танлови предметида кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун етарли офис техникалари, лойиҳалаштириш учун тегишли электрон дастурларга эга бўлиши;

Молиявий холати:

Энг яхши таклифларни танлаш танлови предметига ўхшаш обьектларда ишлаганлиги бўйича етарли тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, жумладан ўз кучи билан аввал бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Энг яхши таклифларни танлаш танловида қўйидаги иштирокчиларини танлаш жараёнларида иштирок этишга рұксат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;

Буюртмачи билан судлашув жараёнида бўлган ташкилотлар.

Энг яхши таклифларни танлаш танлови таклифини тайёрлаш ва тақдим этиши учун керакли барча хужжатлар ва кўрсатмалар энг яхши таклифларни танлаш танлови иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва энг яхши таклифларни танлаш таклифини тузиш мақсадида, энг яхши таклифларни танлаш предметининг лойиха хужжатлари хусусан ишчи лойихани ишлаб чиқиш топширигини тқдим этилиши хақида буюртмачига мурожаат қишигга ҳақли.

Таклифларни топшириш энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг энг яхши таклифларни танлаш хужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойихани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни кўриб чиқиш электрон тизим орқали амалга оширилади.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - Энг яхши таклифларни танлаш танлови ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган ишларни олиб боришни мўлжаллаб, ТАЖда кўрсатилган ишлар бўйича энг яхши таклифларни танлаш танлови ўtkазилишини эълон қилади.

1.2. Энг яхши таклифларни танлашнинг тури – очик танлов тарзида, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг тижорат қисмida жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4 Лойиха ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шахарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, қурилиш материаллари, ёқилғи, жихозлар, умумий ва алоҳида характеристдаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

1.5 Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари элётрон тарзда берилган ҳужжатлар аосида ишлаб чиқилади.

II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа қонуности, норматив-хуқуқий ҳужжатларининг талаблари доирасида ишлаб чиқилган. Умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур Йўриқноманинг, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

2-шакл. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

3-шакл. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

4-шакл. Энг яхши таклифларни танлаш предметига ўхшаш обьектларда етарли иш тажрибаси.

5-шакл. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда офис оргтехникасининг рўйхати.

6-шакл. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) обьектлари.

7-шакл. Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. техник қисм:

- ишчи лойихани ишлаб чиқиши топшириғи

Изоҳ: лойиханинг хусусиятига қараб техниковий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа хуёжсатлар хам киритилиши мумкин.

- Молиялаштириши манбаси, шартлари хамда шартнома лойихасидан иборат.

III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур лойиҳа ишлари бўйича Энг яхши таклифларни танлашда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар Энг яхши таклифларни танлаш танлови иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси энг яхши таклифларни танлаш танловида иштирок этиш учун энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур Йўриқноманинг VII-боби талабларига биноан энг яхши таклифларни танлаш таклифини тақдим этиши зарур.

3.3. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ўзининг танлов тақлифларини тайёрлаш ва тақдим этиши билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак.

Бунда буюртмачи, энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссиясини танлаш натижаларидан қатъий назар, мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар (таклифлар) танлаш хужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин танлаш хужжатларига ўзгартеришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартеришга йўл кўйилмайди. Бунда энг яхши таклифларни танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш хужжатларига ўзгартеришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ёзма равища танлаш ташкилотчисига энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун хабарнома тузишдан аввал оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътиroz учун асос бўла олмайди.

V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари танлаш ва лойиҳа олди ҳужжатларини ўрганиб чиқишлиари керак, танлаш иштирокчилари танлаш предметининг лойиҳа олди ҳужжатларини буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилган ҳужжатлар оркали ўрганади.

Шунингдек, буюртмачи лойиҳа олди ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианти)ни танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари қурилиш ишлари олиб бориладиган ер участкасини бориб кўришилари, АРТ ва техник топшириқларни жойнинг ўзида ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишилари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишилари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

VI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танлашга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, танлаш иштирокчилари билан буюртмачи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси томонидан тайёрланган танлаш таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси танлаш таклифини мазкур танлаш хужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва танлаш хужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, танлаш иштирокчиси танлаш таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ўз таклифининг таркибида факат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Энг яхши таклифларни танлаш танлови таклифлари, электрон нусхада ва танлаш хужжати талаблари асосида шакллантирилган бўлиши керак.

7.2. Топширилиши лозим бўлган хужжатлар таркиби:

7.2.1. Иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдорини тизимнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва миқдори ТАЖда кўрсатилади.

7.2.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (1-шакл)ни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади.

7.2.3. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси охирги 3 йилдаги молиявий кўрсаткичлари. (2-шакл). Шаклни тўлдиришда ўз фаолияти давридан молиявий холати тўғрисида маълумотлар киритилиши лозим. Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг холосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисботлар (баланс ҳисботлар)нинг нусхаларини илова қилиниши мумкин.

7.2.4. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисбот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.5. Энг яхши таклифларни танлаш предметига ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда танлаш иштирокчиси танлаш предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак.

7.2.6. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиганофис оргтехникиси, компьютер дастурларининг рўйхати (5-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара асосидаги офис техникаридан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси лойиха-смета ишларини бажариш даврида ҳақиқий бўлган ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.7. Иштирокчининг энг яхши таклифларни танлаш ўтказилаётган даврдаги жорий лойиха ишлари шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл).

7.2.8. Курилиш майдони кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.(7-шакл)

7.2.9. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.10. Лицензиялар ёки рухсатномаларнинг нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.11. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

7.3. Энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш буюртма таъминотини қуидаги ҳолатларда қайтаради:

7.3.1. Энг яхши таклифларни танлаш ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.3.2. Бошқа иштирокчиларга - энг яхши таклифларни танлаш ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.3.3. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.4. Буюртма таъминотини қайташ, тизим томонидан автоматик тарзда қайтарилади.

7.5. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишга буюртма таъминоти қуидаги ҳолатларда қайтарилемайды:

7.5.1. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, энг яхши таклифларни танлаш таклифининг амал қилиш муддати ва 7.3.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган оферентга;

7.5.2. Энг яхши таклифларни танлаш голиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда ёки энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастребки малака ҳужжатлари бўйича ўтказилган таналаш ҳужжатлари биринчи йиғма жилд ҳужжатлари яъни малакавий ҳужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари эса энг яхши таклифларни танлаш танлови таклифи деб ҳисобланади.

VIII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Танлаш иштирокчисининг таклиф қиймати 1-иловага биноан тақдим этилиши керак. Энг яхши таклифларни танлаш танлови иштирокчилари таклиф этилаётган бажариладиган ишлар қийматини, ишларнинг шартномавий баҳолардаги тўғридан-тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак.

8.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси бажариладиган ишлар муддатини 2-илова биноан тақдим этиши керак.

8.3. Сўз билан ёзилган нарх ва рақам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.4. Энг яхши таклифларни танлашда белгиланган ишларнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буортмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири) бундан мустасно.

IX. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Энг яхши таклифларни танлаш танлови иштирокчиси тақлифининг амал қилиш даври ҳужжатлар топширилгандан сўнг 12 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Энг яхши таклифларни танлаш танлови иштирокчиси тақлифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг электрон жойлаштириш керак.

10.2. Таклиф ҳужжатлари, барча шакиллари электрон вариантда хар бир бети танлаш иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзоланган ва танлаш иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларига хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган тақлифининг барча бетлари танлаш таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки танлаш иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно.

Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлилар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш хукуқини ўзида сақлаб қолади. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлилар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар танлаш тақлифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

XI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

11.1. Таклиф берилганидан сўнг, танлаш иштирокчиси танлаш тақлифига ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас.

11.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан сўнг таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

XII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ

12.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари қабул қилиш муддати тугангандан сўнг, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

XIII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

13.1. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

13.2. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган танлаш таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

XIV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

14.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини техник қисми энг яхши таклифларни танлаш харид комиссияси томонидан баҳолангандан сўнг техник қисм натижаларини инобатга олган холда тизим орқали автоматик тарзда ғолиб аниқланади.

14.2. Агар энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси томонидан таклиф ҳужжатларининг бирортасини танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда танлаш иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан танлашдан четлатилади.

14.3. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

XV. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

15. Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини эълон қилиш электрон тарзда аниқланади ва энг яхши таклифларни танлаш баёни электрон шакилланади.

XVI. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ

16.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (үн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича шартномани имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

16.2. Шартнома ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган холда, Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

16.3. Агар Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби мазкур Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси билан биргалиқда, таклифи иккинчи ўринни олган Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисини Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби деб топиши ёки тақорорий Энг яхши таклифларни танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

16.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош торган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Электрон тизим томонидан энг яхши таклифларни танлаш танлови қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини якунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;

- агар таклифларни кўриб чиқиши натижасида энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса:

- Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари таклиф этган нархлар танлаш предметининг бошланғич қийматидан ошиқ бўлса;

- Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда танлаш ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Энг яхши таклифларни танлашни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши танлашнинг бирон-бир иштирокчиси (энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси, буюртмачи, танлаш иштирокчилари)ни мулкий ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар энг яхши таклифларни танлаш танлови бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий танлаш ўтказилади. Бунда энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

XXII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим энг яхши таклифларни танлаш предмети бўйича ва танлаш ҳужжатларининг қўшимча маълумот ва талаблари маҳсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Хўжаобод Тиббиёт Коллеки
2.	Объект номи:	Андижон вилояти Хўжаобод тумани “Солпі” МФЙ “А.Темур” кўчаси 4-ый манзилида жойлашган Хўжаобод Тиббиёт коллеки худудида “Мажлислар зали биноси”ни қуриш бўйича лойиха олди (АПЗ) ва лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши.
3.	Энг яхши таклифларни танлаш тури:	Очиқ ҳолда энг яхши таклифларни танлаш орқали
4.	Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	Etender.uzex.uz
5.	Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишини таъминлаш кафолати миқдори:	Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишини таъминлаш кафолати миқдори тизимнинг маҳсус хисоб ракамига ўтказилади. Энг яхши таклифларни танлаш буюртмасининг таъминлаш кафолати миқдори 320 000 сўм (объектни лойиха смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш бошланғич қийматининг 1 фоизи миқдорида)
7.	Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	Etender.uzex.uz маҳсус ахборот портали
8.	Энг яхши таклифларни танлаш танловида иштирок этишга қўйидаги ташкилотларга рухсат этилади:	Мулкчилик шаклидан қатъий назар, Махаллий ва хорижий лойиха ташкилотлари

9.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари:	Танлаш предмети бўйича ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 май «Қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялаш ва аккредатция қилиш тўғрисида»ги 381-қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сонли қарорига мувофиқ лицензияга эга бўлиши шарт. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишига-лицензия талаб этилади.
10.	Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	<u>Etender.uzex.uz</u> маҳсус ахборот порталида белгиланади.
11.	Энг яхши таклифларни танлаш хужжатининг тили:	Ўзбек тили
12.	Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш муддати:	таклифларни баҳолаш даври энг яхши таклифларни танлаш таклифлари очилган кундан эътиборан 10 иш кунни ташкил этади
13.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	ҚҚС билан 32 000 000 сўм Иштирокчиларнинг буюртмачини бошланғич нархига нисбатан 95 % дан кам берилган таклифлар рад этилади.
14.	Буюртмачи томонидан белгиланган ишчи лойиҳани ишлаб чиқиши муддати	15 кун
15.	Молиялаштириш манбаси:	Буюртмачининг ўз маблаглари хисобидан
16.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак (аванс) - танлов натижаларига кўра жорий йил учун аниқланган ишларнинг қиймати 15 фоизи микдорида; ажратилган бўнак, ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, ИҲ экспертизага топширилгандан сўнг бажариладиган ишлар қийматининг 70 фоизи микдоригача; қолган 15 фоизи – лойиҳа Буюртмачига топширилгандан сўнг (муаллифлик назоратидан ташқари)
17.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
18.	Шартнома валютаси:	сўм.
19.	Кўшимча хужжатлар рўйхати:	<i>Солиқ қарздорлиги ва бошқа мајсбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси;</i> <i>Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, низом, гувохнома нусхаси</i>
20	Иштирокчиларнинг техник қисмдан ўтиш бали	50 балл ва ундан юқори бал тўплаган иштирокчилар

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА
УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг номи _____

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

Манзили ва телефон (факс) рақами

Юридик мақоми _____

Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) _____

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (Лойиха бош мухандиси ва бошқалар)

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	лойиҳалашда иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____ Ф.И.Ш.
М.Ў.

Тузилган сана: “_____” 2022 й.

Изоҳ: Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг кейинги ----- йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи ҳуёжсжатлари тақдим этилади.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИ ИШТИРОКЧИСИННИГ МОЛИЯВИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

(Мазкур шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидағы ҳисобот илова қилинады)

(Энг яхши тақлифларни танлаш танлови иштирокчисининг номи)

АКТИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й	ПАССИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й
Узок муддатлы активлар				Ўз маблағлари манбаи			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шундан Ишлаб чиқариш фонdlари				Тақсимланмаган фойда			
Қолдик қиймат				Мажбуриятлар			
Капитал қуylымалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Жорий активлар				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

Номи	2019 й	2020 й	2021 й	Номи	2019 й	2020 й	2021 й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи				Умумхўжалик фаолият бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиги тўловигача фойда				11. Зарар шундан асосий фаолиятдан			
7. Даромад солиги				умумхўжалик фаолиятдан			

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____ Ф.И.Ш.
М.Ү.

Тузилган сана: “_____” 2022 й.

Энг яхши таклифларни танлаш танлови иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида
МАЪЛУМОТ

СТИ Р	Ташкил от тоифаси	Ташкилот томонидан ўтган йил (20__ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари										
		Асосий воситала р қолдик (баланс) кыймати Ф-1, 012- сатри	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициен ти (1,25) =9/(10-11)	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар			Ўз айланма маблағлари билан таъминланганл ик коэффициенти (0,20) =(13+14+15- 16)/17	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар				
				390 - сат р	770 - сат р	490 - сат р		480 - сат р	570 - сат р	580 - сат р	130 - сат р	390 - сат р
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у факат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни кулагай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайтанлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Кил} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{\text{A2}}{\text{П2 - ДО}}, \text{ бунда:}$$

A2 - жорий (айланма) активлар (ишилаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

П2 - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

ДО - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Кос} = \frac{(\text{П1} + \text{Дзк2}) - \text{A1}}{\text{A2}}, \text{ бунда:}$$

A1 - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

П1 - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимиининг якуни, 480-сатр;

Дзк2 - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиши йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, маҳраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у холда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

М.Ў.

Сана: « ____ » 2022 й.

Изоҳ: Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳуёжсатлари маркибida аудитор компаниясиниг ижсобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИ ИШТИРОКЧИСИННИГ ИШ ҲАҚИ
ЖАМҒАРМАСИ ВА ҲОДИМЛАР ЎРТАЧА СОНИ БҮЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Давр	СТИР	Махсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010-сатри), минг сўмда	Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда	Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иши ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)
1	2	3	4	5
X		X	X	X
Ўтган йил (2021 йил) якуни бўйича	X			
Жорий йил (2022 йил) охирги ҳисобот даври бўйича	X			
Жами	X			

Рахбар _____

Бош ҳисобчи _____

М.ў.

Сана: « ____ » 2022 й.

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАЛОВИ ПРЕДМЕТИГА ЎХШАШ ИШЛАР
БҮЙИЧА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ**

(Энг яхши тақлифларни танлаш талови иштирокчисининг номи)

т/р	Объект номи, шартнома суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				2019 й.	2020 й.	2021 й.
	Жами:					

Талов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____ Ф.И.Ш.
М.Ў.

Тузилган сана: “_____” 2022 й.

Изоҳ: Мълумотлар танлаши иштирокчиси томонидан шартнома ва баъзарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

5 - ШАКЛ

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ТОМОНИДАН ИШЛАРНИ
БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ОРГТЕХНИКА, ИШЛАРГА ОИД
КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ РҮЙХАТИ**

Г/р	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник холати	Балансида ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
ОФИС ТЕХНИКАЛАРИ							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Хаммаси						

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____ Ф.И.Ш.
М.Ў.

Тузилган сана: “_____” 2022 й.

Изоҳлар:

1. Жадвалнинг 8 устунига офис техникасининг танлаши иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганилиги тўғрисидаги маълумот киритилади.
2. Ижарага оргтехника олинганда ижара шарноманинг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажарии даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАНЛОВИ ИШТИРОКЧИСИННИГ ЖОРИЙ
ДАВРДАГИ БОШҚА ЛОЙИХА ШАРТНОМАЛАРИ**

т/р	Буюртмачи номи	Объект номи	Шартнома бўйича бажарилган ишлар суммаси	Шартнома суммаси, бошланиш ва якунланиш санаси	Мавжудофис ва оргтехника номлари	Энг яхши таклифларни танлашнинг предмети – лойиҳани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган оргтехника сони – (оилар бўйича)			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____ Ф.И.Ш.
М.Ў.

Тузилган сана: “_____” 2022 й.

Изоҳ:

1. Бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.
2. Лойиҳалаштириши ишлари учун келгусида жсалб этиладиган оргтехника сони кўрсатилади.

**ҚУРИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН МАЙДОННИ КҮЗДАН КЕЧИРГАНЛИК ТҮ҆РИСИДА
ГУВОХНОМА**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен _____

(Ф.И.О, лавозими)

томонидан 2022 йил _____ берилган ишончномага асосан қуидагиларни батафсил ўргандим:

- а) энг яхши таклифларни танлаш хужжатларини
- б) лойиха олди хужжатларини

Мазкур ишларни сифатли, тўла ўз вақтида бажарилишига келгусидаги ишларнинг қийматига, хажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа холатлар хамда лойихалаш майдони билан танишдим. Ушбу холатларнинг борчаси ўз таклифимизда хисобга олинган.

Изоҳ: ушбу шаклда қурилиши белгилangan жойни ўрганиб чиқилганлиги түррисидаги маълумотлар, шу жумладан, лойихалаш йўллари, мухандислик тармоқларининг мавжудлиги, мавжуд бино иншоатлар ва ишлаб чиқарни билан боғлиқ бошқа масалалар лойихалаш бош режаси кўринишидан тақдим этилади.

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____ Ф.И.Ш.

М.Ў.

Тузилган сана: “_____” 2022 й.

КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА АРИЗА

Мен, _____ (харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади) бўйича ўtkазилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг қўйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;
- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини қўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиш;
- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;
- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;
- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;
- манфаатлар тўқнашувига;
- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;
- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____ Ф.И.Ш.
М.Ў.

Тузилган сана: “_____” 2022 й.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТИЖОРАТ ҚИСМИ

I. БУЮРТМАЧИННИГ БОШЛАНГИЧ НАРХИ

1.1. Буюртмачининг бошлангич нархи энг яхши таклифларни танлаш Ахборот Жадвалида (ТАЖ) да кўрсатилган.

II. БУЮРТМАЧИ БЕЛГИЛАГАН ЛОЙИХА ОЛДИ ВА ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

2.1. Лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича барча ишлар ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан якунланиши керак.

III. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАИ

3.1. Белгиланган ишларни молиялаштириш ТАЖда кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

IV. МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖда бошқа ҳолат айтилмаган бўлса):

бўнак (аванс) – энг яхши таклифларни танлаш натижаларига кўра аниқланган, лойиҳа ташкилоти жорий йилидаги ишлар қийматининг 30 фоизи микдорида;
жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 70 фоизи микдорида;

4.2. Тўловлар Буюртмачи томонидан шартнома талабларига биноан амалга оширилади.

4.4. Ишларни бажариш бўйича тузилган шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукуқий базаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва бошқа тартибот ҳужжатларига жавоб бериши керак:

V. ШАРТНОМА ВАЛЮТА ТУРИ

5.1. Агар ТАЖда бошқача қўзда тутилмаган бўлса, шартномасининг валюта тури – ўзбек сўмида.

НАРХ ТАКЛИФИ

(Бажариладиган ишлар номи ва жойлашув манзили кўрсатилади)

Харид комиссиясига

1. Биз, кўйида имзо чекувчилар, юқорида айтилган ишларни бажариш учун қурилиши белгиланган майдонни қўздан кечириб, техник ва тижорат қисмларидан иборат харид хужжатларини ўрганиб, юқорида кўрсатилган танлаш хужжатларга мувофиқ:

ККС билан (ракамда ва ёзув билан сумма) сўмга айтилган барча ишларни бажариш ва якунлашни ҳамда улардаги топилган камчиликларни бартараф этишни таклиф этамиз.

2. Буюртмачи томонидан бажарилиши белгиланган ишларни _____ кун мобайнида якунлаш мажбуриятини оламиз.

3. Шартнома тузилгунга қадар мазкур танлаш таклифи унинг қабул қилинганлиги хақидаги электрон хабарнома (акцепт) орамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.

4. Таклифимиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги биз олган электрон хабарнома (акцепт), бизни Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурият юклашини ва биз уни ижросини таъминлашимизни тасдиқлаймиз.

5. Буюртмачи ва харид комиссияси тақдим этилган таклифлардан энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдирамиз.

6. Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни харид комиссиясини йиғилиш баённомалари билан тасдиқланган ва келгусида ўзгартирилмайдиган шартномавий баҳоларда амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____ Ф.И.Ш.
М.Ў.

Тузилган сана: “ ____ ” 2022 й.

(Бажариладиган ишлар номи ва жойлашув манзили кўрсатилади)

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

Т-б №№	Ишлар номланиши	Ишларни бошлиш санаси	Ишларни тутатиш санаси
1.			
2.			
3.			

Изоҳ: Мазкур жадвалда бажариладиган ишларни якунлаши муддатлари кўрсатилади.

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси: _____ Ф.И.Ш.
М.Ў.

Тузилган сана: “_____” 2022 й.

**Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун
-сонли ШАРТНОМА**

Хўжаобод тумани

“ ” 2022 йил

Бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи Хўжаобод Тиббиёт Коллежи номидан Низом асосида иш юритувчи директор **О.Темирхўжаева** бир томондан ва иккинчи томондан “Бажарувчи” деб аталувчи _____ мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Конунларига асосан қуийдаги мазмунда туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. “Буюртмачи”нинг топшириғига асосан, Андижон вилояти Хўжаобод тумани “Солпи” МФЙ “А.Темур” кўчаси 4-йй манзилида жойлашган Хўжаобод Тиббиёт коллежи худудида “Мажлислар зали биноси”ни қуриш бўйича лойиха олди (АПЗ) ва лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиши “Бажарувчи” эса ўз зиммасига олади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга оширишнинг шартнома баҳоси ҚҚС билан _____) сўмни ташкил қиласди.

2.2 “Буюртмачи” 10 (үн) банк куни ичida шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлгандა ёки ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. “Бажарувчи” ишларни шартнома газначилик бошкармасидан руйхатдан утгандан сунг _____ кун муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. “Бажарувчи” лойиха смета хужжатлари қайта ҳисоблангандан сўнг лойиха хужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишини ўз зиммасига олади.

3.3. “Буюртмачи” ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг сўрови асосида тақдим қилиши шарт.

3.4. “Буюртмачи” шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида “Буюртмачи” томонидан бажарилиши зарур бўлган ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишини ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” томонидан аванс тўлов ўз вақтида ўтқазилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва тугаллаш муддати ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар тугагандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топширади.

4.2. “Буюртмачи” ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва “Бажарувчи”га имзоланган топшириш ва

қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишини ўз зиммасига олади.

Агар “Буюртмачи” ишларни қабул қилган кундан бошлиб 10 кун муддат ичида “Бажарувчи”га камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда “Буюртмачи” ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариши шарт.

4.3. “Буюртмачи” ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиши тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиши тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида “Бажарувчи” ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни “Буюртмачи”дан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. “Бажарувчи” ишларни муддатидан олдин бажарган ҳолда, “Буюртмачи” уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласди ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.3. “Бажарувчи” мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, “Буюртмачи”ни хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш хуқуқига эга.

Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига ва “Бажарувчи”нинг обьект бўйича бажарган ишларига нисбатан қўлланилади.

6.4. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Иқтисодий судда эътироз тартибига риоя қилган ҳолда кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.5. “Буюртмачи” томонидан дастлабки тўлов ва “Бажарувчи” томонидан ишлар топширилганда шартлашилган хақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси шартнома баҳосининг 30 (үттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш “Буюртмачи”ни тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.6 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – хукуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ белгиланади.

6.7. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг Вилоят Фазначилик Бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан кейин қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«БЮОРТМАЧИ»

Хўжаообод Тиббиёт Коллеки

Манзил: Хўжаообод тумани “Солпи” МФЙ

“А.Темур” кўчаси 4-уй

ШХР:


Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Фазначилиги

х/р:

МФО: _____, ИНН: _____

Банк: ХККМ МБ Тошкент шахри Бош бошқармаси

Директор  О.Темирхўжаева

Хукуқшунос _____

«БАЖАРУВЧИ»

